

**"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Бағдод туман бўлими  
II-гурух истеъмолчиларига ичимлик ва оқова  
суви хизматларини кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА**

2022 й. **24** январь

7-сон

Бағдод тумани

Ушбу шартномани "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ, Бағдод туман бўлими кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилувчи, низом асосида фаолият юритувчи Усмонов Зафаржон Абдураҳмонович шахсида бир томондан, ҳамда кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси, низом асосида иш олиб борувчи Шерғозиев Жамолдин Абдулаҳатовиҷ, иккинчи томондан куйидагилар хакида туздилар:

### **I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

**1.1.** 2022 йил учун сув етказиш хажми ушбу шартномага мувофиқ II гурух истеъмолчиси (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) учун сув етказиб бериш 1545 нарх бўйича -6795- м<sup>3</sup>ни:

**1м<sup>3</sup>** ичимлик сув учун **1495** сўм (+ККС 15%), + **50** сўм (махсус устами хак)ни;  
**1 м<sup>3</sup>** оқова сув учун **0** сўм (+ККС 15%), + **0** сўм (махсус устами хак)ни ташкил килмоқда.

Шу тарика шартноманинг умумий киймати **10498275,00** сўмни ташкил килди (сумма ёзув билан). Шу жумладан, бюджет маблағларидан (Ўн миллион тўрт юз тўқсон саккиз минг икки юз етмиш беш ) сўм, бюджетдан ташкари маблағларидан (0) сўм тўланиши кўзда тутилган.

Истеъмолчига етказилган сув ва қабул килинган оқова сувлар учун хисоб-китоблар Истеъмолчи билан (бюджет ташкилотларидан ташкари) аванс тўловлари тартибида, белгиланган муддатда тўлиқ хисоб-китоб килиш шарти билан ёки Таъминотчи томонидан хисоб варакаси (счёт-фактура)лар тақдим этиш орқали, шунингдек, бюджет ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигининг худудий бўлинмалари орқали ўзаро хисоб-китоб килишга ўтказилган маблағлар билан Таъминотчи тақдим этадиган счёт-фактуралар бўйича амалга оширилади.

**1.2.** Таъминотчи Истеъмолчини сифатли (O'zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофиқ) ичимлик суви билан таъминлаш ва Истеъмолчидан оқова сувларни қабул килиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**1.3.** Истеъмолчи Таъминотчига, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни кейинги ой учун, агар хисобида етарли микдорда олдиндан тўлови мавжуд бўлмаса, хар ойнинг 10 санаасигача 100 фоизлик олдиндан хак тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**1.4.** Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдикланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари"га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади) риоя этиши, шунингдек, Истеъмолчи, Таъминотчи томонидан тақдим килинган ичимлик ва оқова сув тизимиға уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя килиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдикланадиган махсус устами хакини **1м<sup>3</sup>** ичимлик сув учун **50** сўм, **1м<sup>3</sup>** оқова сув хизмати учун **0** сўм тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

## II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**2.1.** Истеъмолчи Таъминотчи рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, иншоот ва курилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига рухсат бериш хуқукига эга.

**2.2.** Истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар Таъминотчи томонидан кўриб чикилмайди.

**2.3.** Агар Истеъмолчи ва унга уланган субистеъмолчи турли гурух истеъмолчиларига мансуб бўлса, Таъминотчи билан шартномани Истеъмолчи ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни хисобга олиш асбобини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий хисобланади.

Истеъмолчи (субистеъмолчи)га берилган ичимлик сув ҳажми учун тўловлар Таъминотчига, уларнинг сувни хисобга олиш асбоби кўрсаткичлари бўйича ва улар мансуб бўлган гурух учун белгиланган тарифлар асосида тўланади.

Таъминотчи билан шартнома тузган Истеъмолчи ўзи мансуб гурухдаги субистеъмолчиларга уланган бўлса, субистеъмолчиларга етказиб берилган сув ва чиқарилган оқова сув хизматлари учун тўловлар асосий истеъмолчи билан, у мансуб бўлган гурух учун белгиланган тарифлар асосида амалга оширилади.

Ўз навбатида, Истеъмолчи, ўзи ишлатган сув учун Таъминотчига амалдаги тарифлар асосида тўловларни амалга оширишда субистеъмолчиларга етказиб берилган сув ҳажмларини ҳам инобатта олган ҳолда хисоб-китоб килади.

**2.4.** Ичимлик сувдан дов-дараҳтларни сугориш учун фойдаланилишига куйидаги истисно ҳолатларда:

а) ирригация суви бўлмагандан;

б) таъминотчи ташкилоти куввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимиёти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, факат тунги вактда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл кўйилади.

**2.5.** Ичимлик ва оқова сув хизматидан Истеъмолчи хўжалик-истеъмол, майший эҳтиёж ва ёнгинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланади.

**2.6.** Сувни хисобга олиш асбоби Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиши агентлиги томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув таъминотчи ташкилот томонидан пломбаланиши шарт. Шунингдек, ичимлик ва оқова сувини хисобга олиш асбобини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби конунчиликда ўрнатилган тартиб ва қоидаларга асоссан амалга оширилади.

**2.7.** Истеъмолчига ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш асбобининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текшириллади ҳамда Истеъмолчи билан келишилади.

Истеъмолчидан сувни хисобга олиш асбобининг ишлаши назорат қилинганда, ўлчовларнинг техник таъсифномасида йўл кўйиладиган минимал чегаралан кам микдорда сув истеъмол қилинган тақдирда Таъминотчи сув ўлчаш узелини амалда сарфланётган сув ҳажмига мос, кичикроқ диаметрдаги асбобга (берилган кундан кейинги 30 календарь кун ичida) кайта жиҳозлашга кўрсатма беради. Бу кўрсатма бажарилмаган тақдирда сувдан фойдаланиш ва оқова сувларни чиқариш учун тўловлар Қоидаларнинг 87-бандининг “б” кичик бандига мувофиқ амалга оширилади.

**2.8.** Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш асбобларини ишга тушириш, алмаштириш, янги субистеъмолчиларнинг уланиши Истеъмолчи томонидан факат Таъминотчи тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар Истеъмолчининг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужожатларни илова килган ҳолда берилади. Таъминотчидан олинган техник шартлар Истеъмолчи буюртмасига асоссан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошка меъёрий хужожатлар асосида ишлаб чикилади.

**2.9.** Курилган уламаларнинг ишга туширилиши Тъминотчи томонидан, Истеъмолчи ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

**2.10.** Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳак миқдори ўзгарган санасидан катъи назар, ушбу хизматлар юзасидан Истеъмолчи билан тузилган шартнома ўз кучини саклаб қолади ва Истеъмолчи кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

**2.11.** Куйидагилар Таъминотчи билан Истеъмолчи ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқова сувларни чикариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, ишшоствлари, курилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник холатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоқка уланишини узиб кўювчи кириш кулфи. Кириш кулфи билан ичимлик сувга уланиш, Истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир кисми хисобланади;

б) оқова сувларни чикариш (канализация) учун — Истеъмолчи канализация тизимининг ички кисми хисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуқтасидаги чикарув кудуги. Агар чикарувчи канализация кудуги (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу кудук Таъминотчи коммунал канализация тармоғининг бир кисми хисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса Истеъмолчининг маблаги ва воситалари хисобидан амалга оширилади.

### III. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

**1.** Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

**2.** Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабалар юзасидан конунга хилоф равишда пул, моддий кийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул еки бошка моддий кийматликлар олиннишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар кандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги хакида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

**3.** Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар кандай вакт ва шаклда куйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл кўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиши, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, конунчилик жараёни ва бошка соҳаларда конунга хилоф равишда тижорат ёки бошка тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш максадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда килиниши, берилишига;

б) конунга хилоф равишда олинган даромадларнинг лсгаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдаи олинган даромад эканлиги тарафларга маълум

бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига конуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этини, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий эгалик хукукларини ёки унинг кимга карашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хукукбузарлик содир килиш учун таъмагирлик килиш, ундан, тазийк ўтказиш ёки таҳдид килиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор килиши шарт.

**4.** Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация килиш ва ўтказишида, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришида, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнииг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошқа вакилларга) нисбатан куйидаги харакатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий харакатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги хакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни факат тарафнииг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чикиб ишга жалб килиш;

- уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хак микдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

**5.** Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги холатлари хакида хабар берилганлиги учун уларга тазийк ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

**6.** Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга карши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу хавда зудлик билан хабардор килиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб килиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари хакида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга хамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб килишга хақли.

#### **IV. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **4.1. Истеъмолчининг хукуклари:**

а) Таъминотчидан, ушбу шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз равишда ёки Истеъмолчи билан келишилган график асосида амалга оширилишини, ўз мулкига хавф түғдирмайдиган даражадаги сифат (O'zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофик) ва микдорда ичимлик сув берилишини талаб килиш;

б) Таъминотчидан сувни хисобга олиш асбобларини ўрнатиш, уларни белгиланган тартибда ва муддатларда назоратдан ўтказишни талаб килиш;

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун Таъминотчидан конунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб килиш;

1) Таъминотчини шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган холда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки окова сувни чикириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган холда шартномани бир томонлама бекор килиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чикириш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, карзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили оркали бепул олиш;

е) Таъминотчидан ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чикириш хизматлари хажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларнинг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чикириш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганинги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида Таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сув билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аникланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вакт) учун кайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб килиш.

#### **4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:**

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзларининг худудида ва тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоклари хамда курилмаларининг зарур даражада қўрикланишини таъминлаш, уларнинг бузилиши, сув босиши ва музлаб колишига йўл кўймаслик, кудукларнинг копкогини муз ва кордан тозалаш, Таъминотчи томонидан ўрнатилган пломбаларнинг сакланишини назорат килиш, ер усти сув оқимларининг кудуклар ёнидан оқизиб юборилишини таъминлаш, ёнгин гидрантларига кириб бориш йўлакларини тирбанд қилмаслик, ёнгин гидрантлари кўрсаткичларининг ишга яроқлилигини кузатиб бориш ва мавжуд бўлган ёнгин гидрантларини ва ёнгин кранларини пломбалаш учун тақдим килиш;

в) турли предмет ва материалларнинг уюм бўлиб сакланишига, шунингдек ўз худудида ёки тасарруфида бўлган ичимлик сув, канализация тармоклари ва курилмалари устида хамда ичимлик сув ва канализация ташки жойлашувда бўлган (кўчада ва квартал ичидаги) ерларда бирор-бир иншоотларни қуришга йўл кўймаслик. Амалдаги тармокларда ўзбошимчалик билан курилган иншоотларда авария содир бўлган тақдирда етказилган зарар учун жавобгарлик коидани бузганинг зиммасига юкланади;

г) транзит коммунал ичимлик сув ва канализация тармоклари, иншоотлар ва курилмалардаги ўзлари аниклашган носозликлар ёки шикастланишлар ҳакида Таъминотчига зудлик билан хабар бериш;

д) сувни хисобга олиш асбобларида яккол кўриниб турган носозликлар аникланганда (шу жумладан, тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги холат бўйича хам) Таъминотчига унинг электрон почтаси оркали ёки унинг ягона "Call Markazi (1255)" ракамига кўнгирок килган холда хабар бериш;

е) шартнома доирасидаги мажбуриятларини бажариш, жорий ойнинг 23-25-санасида сувни хисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини тўғри ва ўз вактида кайд килиб бориш, жорий ойнинг сўнгги санасигача Таъминотчига кўрсаткич маълумотларни Таъминотчининг электрон манзили ёки телефон раками оркали ёхуд Таъминотчи жойлашган манзилга борган холда тақдим этиш ва тўловларни амалга ошириш;

ё) сув сарфи ва окова сувлар оқизилишининг шартномада белгиланган хажмлардан ошириб юборилишига йўл кўймаслик;

ж) субистеъмолчилардаги сув сарфини назорат килиш ва барча турдаги сувни йўкотишлар олдини олиш бўйича чоралар кўриш;

3) ўзига карашли ва у хизмат кўрсатиши лозим бўлган ичимлик сув ва канализация тармоклари, иншоотлар ва курилмалардан техник жихатдан самарали фойдаланишини таъминлаш;

и) ишлаб чиқариш окова сувларидағи ифлосланиш концентрациясини нормативдаги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон карори билан тасдикланган нормативларга мувофиқ) мөъёрларгача етказган холда олдиндан тозаланишини таъминлаш;

й) канализация тармоғига оқизиладиган окова сувлар сифати бўйича мониторинг ўрнатиш;

к) ўз худудида жойлашган сув ўлчаш узели, коммунал ичимлик сув ва канализация тармокларида олиб бориладиган барча турдаги ишларни бажаришга бегона шахсларни киритмаслик;

л) Таъминотчи вакилининг иштирокисиз кудуклар (камералар) копкоғини очишига рухсат бермаслик;

м) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлган холатларда истеъмолчи худудида жойлашган коммунал канализация тармокларига ёмғир ва эриган кор сувларининг оқизилишига йўл қўймаслик (Истеъмолчига боғлик бўлмаган форс-мажор холатларда оқизилиши бундан мустасно). Мазкур хукукбузарлик аникланган тақдирда Таъминотчи вакили, белгиланган тартибда, Истеъмолчига нисбатан жавобгарлик чораларини белгилаш учун асос бўладиган далолатномани тузади;

н) коммунал ичимлик сув ва канализация тармокларида, иншоотлар ва курилмаларда нарядсиз ҳамда Таъминотчининг хизмат гувоҳномасисиз бирор-бир иш олиб бораётган шахслар тўғрисида ички ишлар органларига хабар бериш.

#### **4.3. Таъминотчининг хукуклари:**

а) Таъминотчи, Истеъмолчини 7 кун аввал ёзма равишида огохлантирган холда, куйидаги холатларда сувни узатиш ва окова сувларни қабул килишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а.а) Истеъмолчига тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоклари, курилма ва иншоотларнинг техник холати коникарсиз бўлганда ва Таъминотчи вакиллари томонидан аникланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича Таъминотчи талаблари Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

а.б) Таъминотчи мансабдор шахси Истеъмолчининг сувни хисобга олиш узели, ичимлик сув ва канализация тармоклари, курилмалари ва иншоотларини назорат килиш ҳамда сувни хисобга олиш асбоби кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш максадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф килингандага сув беришини мувофиқлаштириш ва Таъминотчи нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишида киритилмаганда;

а.в) Таъминотчи томонидан Истеъмолчи уланган ичимлик сув ва канализация тармоклари ва курилмаларida режали-огохлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек янги абонентларни уланиш ишлари амалга оширилганда;

а.г) Истеъмолчи тасарруфида бўлган сув таъминоти ва канализация тизимлари ёки тармокларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аникланганда;

а.д) Истеъмолчи томонидан сув таъминоти ва окова сувларни чиқариш хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳак тўланмаганда;

а.е) Истеъмолчининг тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармокларига, курилмаларига Таъминотчидан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;

а.ё) Истеъмолчи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган окова сувлар микдори ва таркиби бўйича шартларга риоя килмаганда.

б) Таъминотчи куйидаги холатларда олдиндан хабар килмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишига ҳакли:

б.а) Таъминотчининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б.б) табиий оғатлар рўй берганда;

б.в) авария ҳолатларида;

б.г) ёнгин чиқкан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат тугилганда.

#### **4.4. Таъминотчинин мажбуриятлари:**

а) сув таъминоти ва окова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

б) ичимлик сув ва канализация тармокларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат килиб бориш;

в) сув таъминоти узлуксизлигини таъминлаш (Истъмолчи билан келишилган график асосида сув бериш ҳолатларидан ташқари);

г) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси органлари томонидан тасдиқланган меъёрий хужжатлар (ПДС) талаби ва ичимлик сувдан маҳсус фойдаланиш руҳсатномаларига мувофиқ окова сувларни тозалаш ишларини ташкил килишни таъминлаш;

д) тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

е) Истъмолчининг коммунал сув таъминоти ва окова сувни чиқариш тизимларига уланган ичимлик сув ва канализация тармоклари, иншоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланишини мунтазам равишда назорат килиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда Истъмолчига амалий ёрдам кўрсатиш;

ё) Истъмолчидаги сувнинг бехуда оқиб кетиши ва оқилона фойдаланилмаётганлик ҳолатларини аниқлаш, сув бериш ва ундан фойдаланишни катъий назорат килиш ва хисобга олиш;

ж) Истъмолчига сувни хисобга олиш индивидуал асбобларини ўрнатиш, белгиланган тартиб ва муддатларда уларни назоратдан ўтказиб туриш;

з) коммунал ичимлик сув ва канализация тармокларида, иншоотлар ва қурилмаларда нарядсиз ҳамда Таъминотчининг хизмат гувоҳномасисиз бирор-бир иш олиб бораётган шахслар ҳакида ички ишлар органлари ходимларига хабар килиш;

и) шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда Истъмолчига пеня тўлаш;

й) Истъмолчининг шартнома шартларига риоя этмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат килиш;

к) ичимлик сув ва канализация тизимида рўй берган бузилишлар аниқланган кундан бошлаб бир сутка мобайнида уларнинг сабаблари, хизмат кўрсатишдаги тўхталиш муддатлари ва чекланишлар, шунингдек кўрсатилаётган хизмат сифатларининг ўзгариши сабаблари ҳакида Истъмолчига ахборот бериш;

л) ичимлик сув ва канализация хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳакида Истъмолчини узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш;

м) ичимлик сувни истъмол килишга доир амалдаги ва янги жорий қилинган меъёрий-хукукий ва бошқа хужжатлар билан Истъмолчини алока воситалари (телефон, электрон почта) орқали хабардор килиш;

н) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳакида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёки бошқа алока воситалари (Таъминотчининг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари, расмий сайти) ёрдамида Истъмолчини хабардор килиш;

о) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳақидаги маълумотларни Истъмолчига бепул тақдим этиш.

## **V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

### **5.1. Таъминотчи куйидагилар юзасидан жавоб беради:**

а) Истъмолчини меъёрий-хукукий ва бошқа хужжатларга ҳамда мазкур шартномага мувофиқ ичимлик сув билан таъминлаш, окова сувларни чиқариш;

б) Истеъмолчига мөърий-хукукий ва бошка хужжатлар ҳамда конунчилик асослари ва шартномада кўрсатилган талабларга мувофик (O'zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофик) сифатли ичимлик сув етказиб бериш;

в) Истеъмолчига ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларига уланиш учун ўз вактида, конуний асосланган техник шартларни тақдим этиш;

г) сувни хисобга олиш индивидуал асбобларини ўз вактида давлат назоратидан ўтказиш, белгиланган муддатларда Истеъмолчидаги сувни хисобга олиш асбобларининг ечиб олиниши, ўрнатилиши, кўрсаткичлари назорат килиниши ва текширув ўтказилиши хакида огоҳлантириш;

д) Истеъмолчининг мулкига етказилган моддий зарар учун конунчиликда кўрсатилган тартибда жавоб бериш;

е) шартнома шартлари ва ўзига юкланган мажбуриятларни бажармаганлик.

**5.1.1.** Таъминотчи Истеъмолчини сув билан таъминлашда куйидаги сабабларга кўра узилишлар бўлганилиги учун жавоб бермайди:

а) Коидаларнинг 129-бандида санаб ўтилган сабабларга кўра сув бериш тўлиқ ёки кисман тўхтаганда;

б) Истеъмолчининг айбига кўра.

**5.1.2.** Таъминотчи, агар сув таъминоти бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифатининг енгид бўлмайдиган куч ёки сув таъминоти хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари Истеъмолчи томонидан бузилганлиги туфайли содир бўлганини конун хужжатларида белгиланган тартибда исботласа, у сифат бузилганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

**5.1.3.** Тозалаш иншоотлари, насос станциялари кувватининг ёки коммунал сув кувурларининг сув ўтказиш кувватининг етарли эмаслиги туфайли сув таъминотида мунтазам равишда узилишлар бўлган тақдирда Таъминотчи, маҳаллий давлат хокимияти органлари билан келишган холда, Истеъмолчини унга сув берилиши режалари хакида хабардор килиб, алоҳида туманларга сув берилиши юзасидан жавоб беради. Шу билан бирга, Таъминотчи Истеъмолчини сув билан нормал таъминлашга тўскинилик килаётган сабабларни бартараф этишга доир барча зарур тадбирларнинг ишлаб чикилиши ва амалга оширилиши, шунингдек сувни хисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаганда - сувни бериш соатларига мутаносиб равишда кайта хисоб-китоб килиниши юзасидан жавоб беради.

**5.2.** Истеъмолчи куйидагилар юзасидан жавоб беради:

а) канализация тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан саклайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бутлиги, сакланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатдалиги учун;

б) Ўзига карашли санитария асбоблари, канализация тармоклари, иншоот ва қурилмаларда тамбанинг йўклиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли Истеъмолчининг канализация тармокларида ёки Таъминотчидаги, ичимлик сув ва канализациянинг ташки тармокларида авария (тикилиб колиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босини оқибатида етказилган зарар учун;

в) Таъминотчи билан хисоб-китоб килиш учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш асбоби, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфидаги бўлган ҳамда Таъминотчи томонидан пломбаланган бошка ичимлик сув қурилмаларидалиги пломбаларнинг бутлиги ва сакланиши учун;

г) Таъминотчига ичимлик сув ва канализация тармоклари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун конунчиликда белгиланган тартибда.

**5.3.** Сувни хисобга олиш асбоби ва ствол зулфинидаги пломбанинг сакланмаганлиги ва бут эмаслиги аниқланган тақдирда, сўнгги далолатнома тузилган санадан эътиборан, аммо энг кўпи билан уч ойдан ошик бўлмаган давр учун, тўловлар Коидаларнинг 87-бандининг "б" кичик бандига мувофик амалга оширилади.

**5.4.** Пломбаланган ёнгин зулфинлари ва гидрантларидаги пломбаларни узишга куйидаги холларда йўл кўйилади:

а) Таъминотчи билан келишилгандан сўнг сув таъминотининг ёнғинга карши тизими фаолияти текширилганда ва ёнғин насослари синовдан ўтказилганда;

б) Таъминотчини хабардор килмаган ҳолда ёнғин ўчирилганда ва ёнғин хавфсизлиги органлари томонидан ёнғинга карши сув таъминоти тизимининг синовлари ўтказилганда.

**5.5.** Ичимлик суви таъминотининг ёнғинга карши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда истеъмолчи 24 соат мобайнида Таъминотчига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун Таъминотчи вакилини чакириши шарт.

**5.6.** Сув қувурига ўзбошимчалик билан уланган, совук сувни хисобга олиш асбобларининг бузилишига атайлаб йўл қўйган, шунингдек кўрсаткичларни ўзгартириш максадида хисобга олиш асбобларига ташкаридан аралашган истеъмолчилар конун хужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

## **VI. СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ХИСОБЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ ТАРТИБИ**

**6.1.** Истеъмолчи Таъминотчига, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни кейинги ой учун, агар хисобида етарли микдорда олдиндан тўлови мавжуд бўлмаса, хар ойнинг 10 санасига кадар 100 фоизлик олдиндан ҳак тўлаш тарикасида амалга ошириши лозим.

**6.2.** Истеъмолчи шартномада белгиланган тўловларни ўз вактида тўламаган тақдирида тўловларнинг кечикирилган ҳар бир куни учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо бу кўрсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

**6.3.** Таъминотчи шартномада шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган холатларда кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар (бажарилмаган ишлар) баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

**6.4.** Истеъмолчи ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни шартномада белгиланган шартлар асосида ва тартибда ўз вактида тўламаса, Таъминотчи Истеъмолчини ёзма равишда хабардор килган пайтдан бошлиб 5 иш куни ўтгандан кейин карзларни қопуп хужжатларида белгиланган тартибда Истеъмолчини ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармокларидан узib қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимидан илгари узуб қўйилган (ўзбошимчалик билан уланиш, карздорлик мавжуд бўлганда ёки шартномада шартлари бажарилмагандан) Истеъмолчини қайта улашда Истеъмолчидан базавий хисоблан микдорининг 10 (ўн) баробари микдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиш оркали 3 кундан кечиктирмай тармокка қайта уланади.

**6.5.** Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувининг микдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув микдорига teng. Марказлашган иссик сув таъминоти мавжуд бўлган холларда, истеъмол килинувчи ичимлик сув микдорига оқова сув тармоклари хисоби учун 2,0 коэффицентгача кўлланилади.

**6.6.** Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудуқ, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошка оқова ташлаш манбаларига эга бўлган холатларда Таъминотчи ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объектларидан маҳсус сув олиш ёки истеъмол килиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

**6.7.** Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (кудуқ, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимида оқоваларни оқизиши хажми ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш асбобининг кўрсаткичлари бўйича аникланади.

Истеъмолчига карашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши керак.

## VII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

**7.1.** Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чикиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд карзларини тўлаб, бу хақда Таъминотчи билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чикиб кептач, сувни хисобга олиш асбоби, шломбларнинг бутлиги ва кошланмаган дебитор карздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланди.

**7.2.** Куйидаги холатларда сарфланган ичимлик сув микдори Коидаларнинг 87-бандининг “б” кичик бандига мувофик хисобланади:

а) агар Истеъмолчи сувни хисобга олиш асбоби билан таъминланмаган бўлса;

б) сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси Таъминотчида рўйхатдан ўтмаган бўлса;

в) ичимлик сув ва канализация тармоқлари хамда курилмаларига ўзбошимчалик билан уланиб олингданда (ўзбошимчалик билан уланиш аниклангунга кадар охирги текшириш далолатномаси тузилган кундан, шунингдек агар ўзбошимчалик билан уланиш Таъминотчига тегишли тармоқ ва курилмаларга нисбатан бўлган бўлса, ўзбошимчалик билан уланиш кунидан бошлаб у аниклангунга кадар, бирок уч ойлик муддатдан кўп бўлмаган холда);

г) сувни хисобга олиш асбоби Истеъмолчи айби билан ишдан чиккан (сувни хисобга олиш асбоби сифатсиз сув билан бирга окиб келувчи кум, тош ва лойиқа йигилиши натижасида ишдан чикканлиги хакида тегишли хulosа мавжуд бўлган холатлар бундан мустасно), синган, бузилган ва бу хақда Таъминотчи хабарлор килинмаган такдирда (бунда сарфланган сув микдори, сўнгги тузилган далолатнома санасидан то янги сувни хисобга олиш асбобининг ўрнатилиш санасигача, аммо уч ойдан ошиқ бўлмаган муддат учун хисобланади);

д) сувни хисобга олиш асбоби Истеъмолчига Таъминотчи томонидан огохлантириш хати юборилгандан сўнг белгиланган муддатда даврий киёсловдан ўтказилмаганда.

**7.3.** Сувни хисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган такдирда сарфланган сув микдори олдинги уч хисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аникланади.

**7.4.** Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ёки муддати ўтган холлар Таъминотчи томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

**7.5.** Истеъмолчи ичимлик ва окова сув тармоқларига уланиш санаси хакидаги хужжатларни тақдим этмаган холатларда Таъминотчи томонидан хоким карори, кадастр хужжатлари ва шу кабилар асосида хужжат билан тасдикланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга хоилидир.

**7.6.** Ишлатилган ичимлик суви ва кабул килинган окова сув учун тўловлар Таъминотчи томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида амалга оширилади. Бу тўловлар Истеъмолчи томонидан 3 иш куни ичida акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган такдирда Таъминотчи кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фонз пепя хисоблайди, аммо унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

**7.7.** Шахарлар ва бошка аҳоли пунктларидаги коммунал канализация тизимида жала сувлари рухсат этилмаган холда оқизилган такдирда истеъмолчига нисбатан ишлаб чиқариш окова сувларини оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан қўшимча уч баробарлик козғифициент татбик этилади. Хисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси                    Вазирлар                    Маҳкамасининг                    2010                    йил

3 февралдаги 11-сон карори билан тасдикланган Ишлаб чиқариш окова сувларини кабул килиш коидалари хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошка аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартибига мувофик кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

**7.8.** Окова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича меъёрлар билан белгиланган оқизишнинг йўл қўйиладиган чекланган микдоридан (Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон карори билан тасдиқланган нормативларга мувофик) ортиқча оқова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

**7.9.** Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизғанлик учун компенсация тұловларини хисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон карорига мувофик амалга оширилади.

**7.10.** Хисоб-китобнинг нотүғри килингандылық (тарифларнинг нотүғри хисобда олингандылық ва шу каби холаттар) түгрисида Истельмолчи ёзиладиган эътиrozномани тұлов хужжати олингандан кейин 5 күн муддатда Таъминотчига у жойлашған манзилге борган холда ёки Таъминотчининг телефон раками, электрон почтаси ёхуд почта хизмати оркали тақдим этиши керак. Эътиrozнома Истельмолчини тұлов талабномаси ва хужжатида күрсатылған суммани тұлғынан муддатда тұлашдан озод қилмайды.

Эътиrozнома Таъминотчи томонидан 10 күн муддатда күриб чиқылади. Улар асосынан деб топылса, тұланған ортиқча сума кейинги тұлов хужжати хисобига ўтказылады. Истельмолчи эътиrozнома күриб чиқылғандылық түгрисидеги маълумотдан, у тақдим эттеги телефон раками (шу жумладан мазкур телефон ракамнинг телеграм ижтимоий тармоғындағы профили) ёки почта хизмати оркали, эътиroz күриб чиқылышы лозим болған муддат тугагандан кейин 3 күн муддатда хабардор қилиниши лозим.

Агар күрсатылған муддат ичиде истельмолчи хабардор қилинмаса, масала истельмолчи фойдасынан хал қилинганды.

### **VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

**8.1.** Тарафлар ўртасида ушбу шартнома шартларининг бажарылышы ва шартномага оид бошка холаттар юзасидан келиб чикадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви оркали хал қилинади. Тарафлар томонидан низолар бўйича ўзаро келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик Истельмолчи жойлашған манзилдаги тегишли судлар оркали хал қилинади.

### **IX. ФОРС – МАЖОР**

**9.1.** Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тұлғын бажарылмаслыги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) холатлари (зилзила, сув тошкени, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошка табиий оғнатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар ушбу шартноманинг бажарылышига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек, ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

**9.2.** Форс-мажор холати мавжуд бўлган томон 3 күн ичиде бошка томонни форс-мажор холати бошланған муддатларни күрсатган холда ёзма равишида алоқа воситалари (телефон раками, ижтимоий тармоқларни профиллар ва расмий саҳифалар) оркали огохлантириши лозим.

**9.3.** Агар форс-мажор холатлари шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилек килса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш хукукига эга.

### **X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

**10.1.** Ушбу шартнома иккى нусхада тузилған бўлиб, иккى тарафда бир нусхадан сакланади.

**10.2.** Шартнома имзоланған ва газначилик бўлинмаларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва “31” декабрь 2022 йилгача амал қилади.

**10.3.** Ушбу шартномага ўзгартыриш ва кўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилиши ва тарафлар томонидан имзоланиши шарт.

**XI. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:**

**«ТАЪМИНОТЧИ»**

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ  
 Бағдод бўлими  
 Манзил: Бўстон даҳаси  
 ИИН: 200144908, МФО: 00544  
 х-р: 22638000900194935153  
 Банк: “Ипотекабанк” Фаргона  
~~Х/Р 22638000900194935453~~  
 Раҳбар ~~З.Усмонов~~  
 М.ў. ~~(Ф.И.О. имзо)~~



**«ИСТЕЙМОЛЧИ»**

Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси  
 Манзил: Бағдод шаҳарчаси Бирдамлик 12  
 Тел: 479 24 66, факс 479 24 66  
 ғаз/х-р 23402000300100001010  
 Банк Марказий банк Тошкент шахар ББХХКМ  
 Банк коди 00014 СТИР 201122919  
 ХХТУТ 91511  
 Шахсий х-р 100022860302097072120054001  
 Банк коди 00014 СТИР 200158873  
 Бағдод бўлинмаси  
(газиначиллик бўлинмаси номи)  
 Раҳбар ввб ~~Ж.Шергозиев~~  
 М.ў. ~~(Ф.И.О. имзо)~~



**Юридик хулоса:**

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни талабларига мувофиқ тузилган.

**Юрисконсульт:**

\_\_\_\_\_

«\_\_\_» 202\_\_й.

**YURIDIK AHAMIYFTGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

- Loyihaning turi** – 7-sonli shartnoma.
- Loyihaning nomi** – Bag'dod tuman Tibbiyot birlashmasi va "Farg'ona suv taъminoti" MChJ Bag'dod tuman bo'limi o'rtaida 10498275,00 so'mlik tuzilgan shartnoma.
- Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**-Bag'dod tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 24 yanvar kuni taqdim etilgan.  
**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Bag'dod tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:



E.Botirov